

## ЭНАНТИОСЕМИЯ ВА ЭНАНТИЭМА

Жумаева Феруза Ураловна

Жиззах давлат педагогика институти доцент в.б.

Аннотация: ушбу мақолада энантиосемия ва энантиэма ходисалари семема, сема ва эмалар таҳлили асосида ўрганилган.

Калит сўзлари: энантиосемия, энантиэма, семема, сема, эма.

Энантиосемия шаклан омонимияга мазмунан антонимияга ўхшаса-да, улардан фарқланади. Антонимия ва омонимия ходисаси лексемалар доирасида юзага чиқади. Энантиосемия эса семемалар, семалар доирасида кузатилади. Ё. Одилов: “Бизнингча, энантиосемия бир лисоний бирлик доирасида юзага келгани учун энг мақбул ёндашув уни полисемиянинг махсус тури сифатида тушунишдир”- дейди<sup>1</sup>. Биз ҳам шундай фикрдамиз. Аммо ушбу ходисани моносемем лексеманинг семаларида ҳам, полисемем лексеманинг бир семемасидаги қарама-қарши маъноли семаларида ҳам кузатиш мумкин. М., *тога* полисемем лексемасининг “тоғаларимнинг катта ёки кичигидан бири” семемасидаги “катта”, “кичик” семалари энантиосемия ҳисобланади.

Тилимизда энантиэма ходисаси ҳам кузатилади. Энантиэма семема таркибидаги иккита семада ёки бир семанинг таркибини ташкил этувчи эмаларда воқеланади.

Семема таркибидаги иккита семада воқеланишига *хола* лексемасини мисол қилиш мумкин. “Онамнинг опаси ёки синглиси” семемасига эга. Семемадаги “опа”, “сингил” семаларида “катта”, “кичик” эмалари мавжуд. Ушбу эмалар энантиэмани ҳосил қилади. Айтиш мумкинки, “онамнинг опаси ёки синглиси” семемасида “катта”, “кичик” антонимлари сема таркибидаги эмада акс этган.

Бир семанинг таркибини ташкил этувчи эмаларда воқеланишини *аммавачча* лексемаси мисолида кузатиш мумкин. ЎТИЛ<sup>2</sup>да *аммавачча*

<sup>1</sup> Одилов Ё.Р. Ўзбек тилида энантиосемия. Филол. фан ...докторлик дисс. автореф. –Тошкент, 2016. – Б.31.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. 1-жилд. – Б. 79.

моносемем лексема сифатида келтирилган бўлиб, “отанинг опаси ёки синглисининг фарзандлари” деб таҳлил этилган. Ушбу семемадаги “фарзандлари” семасида “ўғил-қиз”, “катта-кичик” энантиэмалари мавжуд.

Шахс билдирувчи бундай сўзларда эмаларга хос тушунчаларга аниқлик киритиш мақсадида нутқда эма ва лексеманинг боғланишини кузатиш мумкин. М: *катта тоғам, кичкина тоғам. Одам* лексемасида ҳам “катта-кичик” энантиэмаси мавжуд бўлгани боис *каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл* мақоли ҳосил бўлган. Ушбу мақолдаги зидланиш антоним эмалар доирасида кузатилади. Демак, энантиэма таъсирида антоним эмалар воқеланиши мумкин.

Энантиэманинг ҳосил бўлишида қўшимчаларнинг ҳам таъсири бор. Масалан, *ўғлим* лексемасидаги эгалик қўшимчаси таъсирида “фарзандим” семаси, “катта”, “кичик” энантиэмаси ҳосил бўлган. Қўшимчалар таъсирида эмаларнинг семаларга кўчиши кузатилади. М., *Ўғилларим* лексемасида кўплик қўшимчаси таъсирида “катта –кичик ўғил фарзандларим” семемаси ҳосил бўлади. Ушбу семема таркибидаги “катта”, “кичик” антонимлари энантиосемия ҳисобланади.

Хуллас, энантиосемия ҳодисаси моносемем лексемаларнинг семемасида ҳам кузатилади. Энантиэма муайян семага хос белгиларни ифодалайди. Шунингдек, бир семема таркибида семалар доирасида ҳам юзага чиқади.

Маълумки, семалар бир нечта турларга ажралади. Энантиэмани шу турлар доирасида таҳлил этиш уни чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Жумладан, интеграл ва дифференциал семалар доирасида энантиэма кузатилади.

Интеграл сема – семема таркибида келиб лексемаларни бир семантик майдонга (бир турга, синфга) мансублигини кўрсатувчи сема саналади. Баъзи ишларда архисема деб ҳам юртилади.<sup>3</sup> Интеграл сема икки типга бўлинади: гиперсема ва гипосема. Гиперсема тур учун умумий бўлган сема, гипосема

---

<sup>3</sup> Рублева О.Л. Лексикология современного русского языка. – Владивосток, 2004. – Б. 10.

шу тур таркибини ташкил этувчи гуруҳлар учун умумий бўлган сема саналади.

Дифференциал сема – мазмунан бир турга ёки гуруҳга мансуб бўлган семемаларнинг фарқли белгиларини кўрсатувчи сема. *Тоға, хола, амаки, амма* лексемалари “қариндош” гиперсемасига эга. “эркак”-“аёл” антоним дифференциал семаларга эга. *Тоға, хола* “она” гипосемасига, *амаки, амма* “ота” гипосемасига эга. Ушбу гипосемалар “аёл”-“эркак” антоним эмаларига эга. Демак, *тоға, хола, амаки, амма* лексемаларидаги зидланиш дифференциал семаларга кўра таҳлил этилганда антоним семаларда, гипосемалар жиҳатидан таҳлил этилганда антоним эмаларда кузатилади.

Гиперсема лексема сифатида таҳлил этилганда, гиперсемани ҳосил қилган лексемалар семага айланади. *М., қариндош* лексемаси “тоға”, “хола”, “амаки”, “амма” семаларига эга. Маълумки, ушбу семалар “аёл”-“эркак” эмаларига эга. Демак, қариндош лексемаси “аёл”, “эркак” энантиэмасига эга. Ушбу энантиэма семалараро ҳосил бўлган. *Қариндош* лексемаси таркибидаги бир семанинг ўзида ҳам энантиэмани кузатиш мумкин. *М., “тоға”* семаси “катта”, “кичик”; “ёш”, “қари” антоним эмаларига эга. Демак, қариндош лексемасида семага хос энантиэма ёки семалараро энантиэма кузатилади.

Хуллас, энантиэма сема таркибидаги эмаларнинг зидланиши асосида юзага чиқадиган ҳодисадир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Одилов Ё.Р. Ўзбек тилида энантиосемия. Филол. фан ...докторлик дисс. автореф. –Тошкент, 2016. – Б.31.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). 5 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. 1-жилд. – Б. 79.
3. Рублева О.Л. Лексикология современного русского языка. Владивосток, 2004. – Б. 10.
4. Ф. Жумаева Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. Монография. – Тошкент: Qaqpus Mediya. 2019. – 136 б.